

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 31 ”март 2022 йил

Мингбулок туман

Наманган вилояти ҳудудидаги Мингбулок туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан 2022 йил “17” мартдаги **22110012055146** сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Мингбулок туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими биносини иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишлари бўйича харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “**БЕТАКРОР КУРИЛИШ 2020**” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кунини ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги

холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Мингбулок тумани Ветеринария  
ва чорвачиликни ривожлантириш  
булими бошлиғи



М.Ахмадалиев

Мингбулок тумани Ветеринария  
ва чорвачиликни ривожлантириш  
булими ҳисобчиси

К.Журабоев

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «31» 3

2022-24-6-81-VB-сон

Жомашуй ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Мингбулок тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи **М.Ахмадалиев** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Бетақроп курилиш 2020» МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи иккинчи томондан **А.Мурадов** мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича **Мингбулок тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими биноси иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш** ва лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га шартномага мувофиқ хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратади, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартнома шартлари бажарилишини томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонун-қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширадилар.

### II. УМУМИЙ ШАРТЛАР

2.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари билан тўла-тўқис таъминлайди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини «Пудратчи» «Буюртмачи» номидан тайёрлатиш мумкин. Бу ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи»га кетган сарф-харажатларни 1 ойдан ошмаган муддатда тўла-тўқис тўлаб беради.

2.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки бажарилган ишлар далолатномасидаги Ф-2-Ф-3 лимитланган ва бошқа харажатлар «Буюртмачи» «Пудратчи» билан ўзаро тасдиқланган тақдим этилади.

2.3. «Пудратчи» шартномада кўрсатилган иш турларини бажариш учун ёрдамчи ташкилотлар (суподряд)ни «Буюртмачи»дан руҳсат олмаган ҳолда жалб этиши мумкин. Бу ҳолда ёрдамчи ташкилот билан «Пудратчи» ўзаро тузилган шартнома асосида ҳисоб-китоб қилади.

2.4. Таъмирлаш ишларини бажариш учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га қурилиш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 25 кунигача «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи» томонидан тасдиқланади.

2.6. Иш бажариш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларидан ташқари бажарилиши керак бўлган «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида алоҳида тузилган далолатнома асосида бажарилади.

2.7. «Буюртмачи» «Пудратчи»дан бажарилган ишларнинг миқдорини ва сифатини текшириб олади, бажарилган иш лойиҳа-смета ҳужжатларига тўғри келмаса «Пудратчи» камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «Буюртмачи» тақдим қилган тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида

кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ғазна ҳисоб рақамидан ёки бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

«Пудратчи» ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги конунчиликка асосан жавоб бериши «Буюртмачи» бажарилган ишларни қабул қилиши тўлов (аванс) ҳужжатларини тўғри ва ҳаққоний расмийлаштириш ва ўз вақтида тўлаб бериш учун топшириш.

### 3.2. «Буюртмачи» ҳуқуқлари:

«Пудратчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Пудратчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртномага мувофиқ сифатли бажарилишини талаб қилиш:

- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан туғриланиши харажатларини қоплашни;

- бажарилган ишларни баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш.

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Пудратчи»дан талаб қилиш.

### 3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- ўз буюртномаси бўйича бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

### 3.4. «Пудратчи» қуйидагиларга мажбур:

«Бюджет ташкилоти»га бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофиқ муддатларда сифатли бажариб бериш;

Агар таъмиргалаб бериш жараёнида «Пудратчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «бюджет ташкилоти»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

## V. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

5.1. Шартнома баҳоси **103 639 851 (Бир юз уч миллион олти юз ўттиз тўққиз минг саккиз юз эллик бир)** сўмни ташкил қилади.

5.2. Тўлов «Буюртмачи»нинг харажатлар сметасида ажратилган маблағлар ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан тўлаб берилади.

5.3. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида 30 (ўттиз) фоиз **31 091 955** сум миқдорида аванс ўтказилади. Қолган тўловлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2. Ф-3)ларга асосан 10 (ўн) кун мобайнида «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

5.4. Шартнома бўйича «Пудратчи» хизматларни шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун мобайнида тўлиқ бажаради.

5.5. «Пудратчи» объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектнинг тасодиқий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади. «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни

шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда, “Пудратчи” бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”нинг ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VI. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.**

6.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

6.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Бажарилган ишлар далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

6.4. «Бюджет ташкилоти» муддатлар бузилган ва иш сифати қониқтирмаган ҳолда бажарилан ишлар қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

6.5. Бажарилган ишлар бўйича бевосита «Бюджет ташкилоти»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган бажарилган ишнинг миқдори уларнинг сифати кўрсатилади.

## **VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. “Пудратчи” объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

7.2. Бажарилган иш учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Пудратчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

7.3. Пеня тўлаш “Пудратчи”нинг ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## **VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал эта олмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## **IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

9.1. Шартнома томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

9.3. Ушбу шартнома Мингбулок тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирази ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади..

#### **X. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ТАЛАБЛАРИ.**

10.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

10.2. "Бюртмачи" "Пудратчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолич манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Ўтказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистан Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

#### **XI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

11.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тўлиқ ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

#### **XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.**

12.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

12.2. "Пудратчи" қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини "Буюртмачи"нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

12.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ва ҳудудий ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

12.4. Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишлар учун лойиха-смета ҳужжатлари "Буюртмачи" томонидан тайёрлаш ва тўлаш имконияти бўлмаса, "Пудратчи" томонидан тайёрланади, "Буюртмачи" "Пудратчи"га лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун қилинган сарф-ҳаражатларни тўлаб беради.

12.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

12.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади.

12.7. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

**«ПУДРАТЧИ»**

**«Бетакрор қурилиш 2020» МЧЖ**

**Манзил:** Наманган ш Чорток йули к  
3-уй 15-кв

**ХР:** 20208000705069361001

**АТБ Асакабанк Наманган бўлими**  
**МФО 00231 ИНН: 306386149**

**ОКОНХ:** 61110

**«БУЮРТМАЧИ»**

**Мингбулок тумани Ветеринария ва  
чорвачиликни ривожлантириш бўлими**

**Манзил:** Жомашуй шаҳарчаси Қўриқобод  
МФЙ Ниҳол к 5-уй

**Тел./факс** \_\_\_\_\_

**шҳв:** 10002286014204742133250001

**Х/р:** 2340 2000 3001 0000 1010

**Банк:** Тошкент ш Марказий банк ХККМ

**МФО:** 00014 **ИНН:** 200073291



Рахбар

А.Мурадов

Рахбар:



М.Ахмадалиев

## YURIDIK XULOSA

№ HW78675446

«Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 21-moddasi tartibida

2022-yil 30-mart

Mingbuloq t.

Mingbuloq tuman Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi hamda “Betakror qurilish 2020” MCHJ o'rtasida bo'lim binosi *issiqlik tizimini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish yuzasidan* umumiy bahosi **103 million 639 ming 851 so'm** bo'lgan shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiqligi tekshirildi va quyidagilar aniqlandi, jumladan:

- ✓ mazkur shartnomada ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi;
- ✓ shartnoma shartlari «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi qonunining **10-moddasi** hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi **354-moddasi** talablariga mos keladi;
- ✓ taraflarning javobgarligi va nizolarni hal etish tartibi belgilangan.

Mazkur shartnoma loyihasining tuzilishida O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi «Davlat xaridlari to'g'risida»gi O'RQ-684-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasining 22.04.1998-yildagi «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi 670-I-sonli qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021-yildagi «Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-6313-sonli farmoni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan. Yuqoridagi o'rganishlarga asosan,

### XULOSA:

Markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish maqsadida yuborilgan shartnoma loyihasi qonunchilikka muvofiqligi yuzasidan tegishli tartibda o'rganib chiqildi. O'rganish yakuniga ko'ra mazkur shartnoma loyihasini taraflar tomonidan qonunchilik talablari doirasida imzolashlari mumkinligini tavsiya etaman.

Markaz bosh yuriskonsulti



D.F.Jakbarov

2022-yil 30-mart



# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 55146 на приобретение Услуга по текущему ремонту котельной и отопительной системы

Способ проведения электронный

Дата 29.03.2022

Время рассмотрения 29.03.2022 16:02

Конкурсная комиссия Мингбулок туман Ветеринария булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	Ахмадалиев Музаффар Мамаюнисович	Рахбар	Ветеринария булими
<b>Секретарь комиссии</b>	Уринбаева Сайёра Шерматовна	умумий булим мутахассиси	Ветеринария булими
<b>Член комиссии</b>	Исмаилов Илхомжон Абдулакимович	участка мудир	Ветеринария булими
<b>Член комиссии</b>	Исмаилов Рахматали Каримович	Ветфелдшер	Ветеринария булими
<b>Член комиссии</b>	ISMANOV IKROMJON ABDURAXMONOVICH	КУК раиси	Ветеринария булими
<b>Член комиссии</b>	Адилов Бахромжон Турсунбаевич	Уринбосар	Ветеринария булими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.03.2022 года № лота 55146.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту котельной и отопительной системы</b>
Подробное описание	иссиклик тизмини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	104 951 813.00
Стартовая сумма	104 951 813.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи

Тип: Текстовое значение

Описание: Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП OLMOSSOF QURILISH-MIM	25	есть	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BETAKROR QURILISH 2020	25	есть	25	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП OLMOSSOF QURILISH-MIM	25	есть	19	Экспертная		
ООО BETAKROR QURILISH 2020	25	есть	25	Экспертная		

Критерий №3 Охирги 1 йил давомида шу сохада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 1 йил давомида шу сохада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП OLMOSSOF QURILISH-MIM	25	есть	18	Экспертная		
ООО BETAKROR QURILISH 2020	25	есть	25	Экспертная		

Критерий №4 Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар ҳамда иштирокчининг салоҳияти

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар ҳамда иштирокчининг салоҳияти

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП OLMOSSOF QURILISH-MIM	25	есть	19	Экспертная		
ООО BETAKROR QURILISH 2020	25	есть	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЧП OLMOSSOF	104 951 813.00	104 571 885.00	26.03.2022	9.91

QURILISH-MIM			11:13:27	
ООО BETAKROR QURILISH 2020	104 951 813.00	103 639 851.00	28.03.2022 15:04:46	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП OLMOS SOF QURILISH-MIM	68.4	9.91	78.31
ООО BETAKROR QURILISH 2020	90	10	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 55146 от 29.03.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту котельной и отопительной системы определила победителем:

ООО BETAKROR QURILISH 2020  
306386149

и резервный исполнитель: ЧП OLMOS SOF QURILISH-MIM (306498680)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	Адилов Бахромжон Турсунбаевич	Согласен	
Член комиссии	Исмаилов Рахматали Каримович	Согласен	
Председатель комиссии	Ахмадалиев Музаффар Мамаюнисович	Согласен	
Член комиссии	Исмаилов Илхомжон Абдулакимович	Согласен	
Член комиссии	ISMANOV IKROMJON ABDURAXMONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:  
namexpert@umail.uz www.mc.uz [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana:15-04-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 36853**

**Obyekt nomi** «Namangan viloyati Mingbuloq tumani Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi binosi issiqlik tizimini joriy ta'mirlash»

**Buyurtmachi** - Mingbuloq tumani Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi

**Bosh loyihachi** - "ZARDUDA DIZAYN LOYIXA" MCHJ

**Litsenziya** AL-000907 19.06.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

**Moliyalashtirish manbai** - Budget

**Bosh pudratchi** - Tanlov asosida

**Qurilish turi** Joriy ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 36364

**1. Loyihalash uchun asos**

- 1.1. O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri tomonidan tasdiqlangan 9.03.2021 yildagi 43-sonli yig'ilish bayoni (11.03.2021 y.. №01-03/1-289).
- 1.2. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan texnik topshiriq.
- 1.3. Loyiha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 2022 yildagi 6-sonli shartnoma.
- 1.4. Belgilangan tartibda buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan ob'ektning nuqson dalolatnomasi.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

- 2.1. Tushuntirish yozuvi.
- 2.2. Ta'mirlash ishlari qiymati.
- 2.3. Hisoblar.
- 2.4. Lokal resurs qaydnoma va yig'ma resurs qaydnoma.
- 2.5. Nuqson dalolatnoma.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

**4. Loyihalananayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

## 5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

## 6. Ekspertiza natijalari.

Belgilansinki, qayta ekspertiza berilishi munosabati bilan 11.04.2022 yilda berilgan №36210 yig'ma ekspert xulosa – bekor qilinadi.

6.1. Ekspertiza natijalariga ko'ra qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) va buyurtmachining boshqa xarajatlari bilan loyiha qiymati **107986,705 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Қурилиш-монтаж ишлари:	59368,006	минг сўм
Асбоб-ускуналар:	31894,440	минг сўм
ҚҚС:	13689,367	минг сўм
Буюртмачининг бошқа харажатлари:	3034,892	минг сўм

6.2. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.3. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

## 7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan viloyati Mingbuloq tumani Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi binosi issiqlik tizimini joriy ta'mirlash" loyiha qiymati kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

**Bosh mutaxassis:** MAXKAMOV TOXIR MARIFJONOVICH